



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 19 январь, № 12 (6447) Сешанба

Сайтимиғизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари! Сиз билан 2015 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистонга ташрифим чоғида учрашганим менга улкан мамнуният бағишлади. Шахсан Сизга ва Ўзбекистон ҳукумати вакилларига самимий қабул ҳамда самарали мулоқотлар учун ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этаман.

Сизнинг хусусий секторни Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишига айлантириш борасидаги стратегик концепциянгизни юксак баҳолайман ва қўллаб-қувватлайман. Ўзбекистон кейинги ўн йиллар давомида эришган улкан ютуқлар ва ўсиш суръатларини сақлаб қолиши ва янада ривожлантириши учун тараққиётнинг янги усулларини топиши зарур деган фикрга тўла қўшиламан. Давлат секторини бошқариш самарадорлиги ва очиклиги халқаро стандартларга мувофиқ олиб борилаётган Ўзбекистонда замонавий технологиялар билан жиҳозланган, давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган хусусий сектор бундай ўсишни таъминлашда асосий омил бўлмоқда.

Сизни ишонтириб айтаманки, Жаҳон банки гуруҳи Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди ва ўзаро шериклигимизнинг навбатдаги концепцияси доирасида мамлакатингиз иқтисодий тараққиёти янада юксалиши йўлида ҳамкорлик қилишга доимо тайёр.

Самимий эҳтиром билан,

Сирил МЮЛЛЕР, Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти

## Солиқ хизматининг устувор вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари иштирокида давлат солиқ хизмати органларининг 2015 йилги фаолияти яқунларига бағишланган кенгайтирилган Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

### САРҲИСОБ

Тадбирда Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилиши баробарида, унда белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ҳисобга олган ҳолда, жорий йилда солиқ хизмати органла-

ри томонидан амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди. Хайъат йиғилишида давлат солиқ хизмати органлари томонидан Президентимизнинг 2014 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар танқидий муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).



Ушбу дастурий ҳужжатнинг ҳар бир сатрини диққат билан ўқир эканмиз, унинг мазмун-моҳиятини теран англаб етамиз. Яъни маъруза қатъийлик билан олдинга интилиш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада кенгрок имкониятлар яратилган бош мақсадга эришиш йўлида дастуриламалдир.

### ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Илгари етиб бўлмасдек туюлган орзу-ниятлар рўйи учун мустақилликнинг илк даврида қўйилган пойдевор ўтган 2015 йилда янада мустақамланди. Халқимизнинг Президентимиз раҳнамолигида амалга оширган улкан ва машаққатли меҳнати мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий кўрсаткичларида ўз ифодасини топди. Бу аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга қаратилган иқтисодий стратегиямизнинг нақадар тўғрилигини амалда яна бир бора исботлади ва айниқса, жаҳон молиявий-иқтисо-

дий инқирози тобора мураккаблашиб бораётган ҳозирги шароитда янада ёрқинроқ намоён таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада кенгрок имкониятлар яратилган бош мақсадга эришиш йўлида дастуриламалдир. Бундан ташқари, оиласининг ҳаёти мисолида яққол ҳис этилмоқда. Бундан ташқари, оиласининг ҳаёти мисолида яққол ҳис этилмоқда. Бундан ташқари, оиласининг ҳаёти мисолида яққол ҳис этилмоқда.

Маърузада таъкидланганидек, ўтган 2015 йил натижалари ҳақида гапирар эканмиз амалга оширган кенг қўламли, узокни кўзлаган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини мустақамлаш борасида ўз ижобий самарасини берди, дейишга асосларимиз бор. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётга-



(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси Ватанимизнинг янада тараққий этиши учун мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилади.



Ўтган 2015 йил бизнинг бош мақсадимиз бўлмиш асосий вазифа — одамларимизнинг муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш ва ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш бўйича, аввало, муҳим ислохотларни амалга ошириш йўлида катта қадам бўлди.

Бундай ютуқларни Европа ташқи иқтисодий тузилмалари вакиллари ҳам тасдиқлашмоқда. — Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари инвестициявий ҳамкорлик учун муносиб шерик сифатида танланганида муҳим ўрин тутмоқда, — деди Фламанг сармоя ва савдо агентлигининг бош ижрочи директори Клер Тиллекартс. — Инқироз асоратлари намоеён бўлиб турган бир шароитда Ўзбекистоннинг макроиқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида кўлга киритилган натижаларидан ибрат ола арзийди. Умуман олганда, мустақиллик йилларида эришган ютуқлар билан киёфялини қолмасликка ўргандик. Шу боис давлатимиз

нига қарамасдан, ҳисобот йилида ялпи ички маҳсулот 8 фоиз ошди. Кўплар учун эришиб бўлмайдиган натижа бўлган бундай кўрсаткич Ўзбекистонда 11 йилдан буён таъминланаётгани, айниқса, аҳамиятли. Бунинг боиси эса бутун дунёда тан олинган тараққиётнинг “Ўзбек модели”га оғишмай амал қилиб келаётганимиздир. Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014 — 2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016 — 2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олишида бу мустақам пойдевор вазифасини ўтади.

раҳбари ўз маърузасида 2015 йил яқунларининг ҳар томонлама таҳлили асосида бир қатор дастурий йўналишларни илгари сурдики, уларга амал қилиш Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан ўзгариш, минтақадаги етакчи давлат мақомига янада мустақамлашга олиб келади. Улар орасида аниқ мақсад — 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажминини камида 2 баробар ошириш вазифаси ҳам бор.

Ана шундай юксак мақсадларга эришишда кечиктирмай бажарилиши лозим бўлган вазифалар қаторида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобидан мамлакат иқтисодиётида давлат улушини қисқартириш зарурлиги айтиб ўтилди. Шу маънода, Президентимизнинг ҳукумат мажлисидаги маърузаси Конституция қабул қилинган кунга бағишланган тантанали мажлисидаги маърузани мантиқан давом эттиради. Зеро, унда мулкчилик соҳасидаги туб ўзгаришнинг дастлабки натижалари ҳақида сўз борган эди.

(Давоми 2-бетда).

## Аҳоли фаровонлигини ошириш — пировард мақсад

Амалга оширилган ишлар сарҳисоби истиқболдаги режаларни белгилаб олишнинг муҳим омили ҳисобланади. Айниқса, бу барча соҳада мамлакат миқёсида олиб борилаётган ислохотларнинг натижалари билан боғлиқ бўлса, унинг аҳамияти янада ортади.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида ўтган йилдаги ислохотлар ҳамда уларнинг натижалари чуқур таҳлил қилиниб, жорий йил ва у-

дан кейинги даврда юртимизда амалга оширилиши лозим бўлган энг долзарб вазифаларга атрафлича тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, ўтган 2015 йил бизнинг бош мақсадимиз бўлмиш асосий вазифа — одамларимизнинг муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш ва ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш бўйича, аввало, муҳим ислохотларни

амалга ошириш йўлида катта қадам бўлди.

Хусусан, ҳамма соҳада ўсиш суръатлари сақланиб қолингани, айниқса, аҳоли даромадларининг ортиши натижасида ички истеъмол талаби кенгайиб бораётгани, чакана чамизда юрт савдо айланмаси бир йилда 15 фоиздан зиёд, пуллик хизматлар ҳажми эса 10,8 фоизга ўсгани, аҳолининг узок муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражасида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бергани эътиборга молик.

(Давоми 2-бетда).

## Тараққиётимизнинг муҳим омили

Президентимиз Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасини катта қизиқиш билан тингладик.

Унда келтирилган масалалар ва белгиланган вазифалар, шубҳасиз, барни, чакана чамизда юрт савдо айланмаси бир йилда 15 фоиздан зиёд, пуллик хизматлар ҳажми эса 10,8 фоизга ўсгани, аҳолининг узок муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражасида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бергани эътиборга молик.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш ҳамда ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш

йўлидаги изчил чора-тадбирлар туфайли улкан ютуқ ва натижаларга эришилмоқда. Чунончи, демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш, корпоратив бошқарувнинг самарали усулларини жорий этиш, бизнес юритиш имкониятларини кенгайтириш, кулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, одамларнинг реал даро-

мадларини ошириш, истеъмол қувватини рағбатлантириш натижасида ўтган йили республикамиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ошди. Жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамай, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарий 7 фоизга ўсгани узокни кўзлаб олиб борилаётган савий-ҳаракатларнинг ёрқин самарасидир.

2015 йилда давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга nisbatan профицит билан ижро этилди.

(Давоми 2-бетда).

### Қисқа

## сатрларда

• Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

• Навоийда ташкил этилган “Экологик назоратнинг ҳуқуқий асослари ва мазмун-моҳияти” мавзусидаги анжуманда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда ёшларнинг экологик маданиятини янада юксалтириш ҳақида сўз юритилди.

• Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан “Нофилологик таълим дастурлари ва ўқитувчилар учун инглиз тилини ўқитиш услубиятининг илгор тажрибалари” мавзусида илмий семинар уюштирилди.

• Самарқандда “Намунали милиция таянч пункти” кўрик-танловининг вилоят босқичи яқунланди. Унда беллашувнинг ҳудудий босқичларида голиб бўлган милиция таянч пункти профилактика инспекторлари қатнашди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.





## «Камалак юлдузлари»

Пойтахтимиздаги «Истиклол» санъат саройида «Камалак юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивали голибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ва улар иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди.

### ФЕСТИВАЛЬ

Турли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқитувчи ҳамда мураббийлар, ўқувчилар, ота-оналар, Меҳрибонлик йиллари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари тақдир этилган тадбирда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг билимини, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, бадиий ва эстетик дидини тўғри шакллантириш, истеъдодини аниқлаш ҳамда рўёбга чиқариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилётгани таъкидланди. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари, «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолиятини тубдан яхшилаш, таълим сифатини ошириш бўйича кўрилатган изчил чора-тадбирлар, шунингдек, аънавий тарзда ўтказилётган қатор кўрик-танловлар, фестиваллар бунинг яққол тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда жорий йилнинг «Соглом она ва бола йили» деб эълон қилиниши мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларни навбатдаги бошқича кўтарди.

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари томонидан ташкил этилган «Камалак юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивали ҳам ўғил-қизларнинг санъатга бўлган қизиқишини янада кучайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда таълимдан ташқари бўш вақтини самарали ўтказишга кўмаклашишда алоҳида ўрин тутмоқда.

Фестивалнинг қамрови йилдан-йилга кенгайиб бораётти. Жумладан, бу галги санъат анжуманининг барча босқичида олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган 60 400 нафар ўғил-қиз қатнашди. Улар муомтоз ва миллий мусиқа чолғулари ижрочилиги, аънавий ҳамда академик хонандлик, хореография, тасвирий ва амалий санъат, наср ҳамда назм йўналишида ўз билим ва иқтидорини намойиш қилди. Якунда 110 нафар истеъод эгаси муваффақият қозонди.

Санъат анжумани доирасида республика босқичи голиблари учун маҳорат сабоқлари, ижодий учрашувлар уюштирилди. Қолаверса, Мустақиллик майдони, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи, маънавият ва маърифат масканлари таъкил этилган саёҳатлар ҳам уларда катта таассурот қолдирди.

— Дарсдан сўнг 3-болалар мусиқа ва санъат мактабида ракс сирларини ўрганмоқдаман, — дейди Жиззах туманидаги 13-умумтаълим мактаби ўқувчиси Дилдора Асророва. — «Камалак юлдузлари» танловида голиблар сафидан ўрин олганимдан бахтиёрман. Бу ютук мени янада кўпроқ ўқишга, изланишга ундайди.

Болалар бадиий жамоалари ва таниқли санъаткорлар иштирокидаги гала-концертда дилтортар куй-қўшиқлар, жўшқин рақслар ижро этилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

### ЭЪЛОНЛАР

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» MCHJ

**2016 йил 18 февраль куни бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор йўли кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган, Марказий авария-диспетчерлик хизмати корхонаси балансидаги куйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда:**

- \* 1967 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ ММЗ-555» русумли, давлат рақами 01/651 ХАА.  
**Бошлангич баҳоси — 8 497 000 сўм.**
- \* 1988 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-431412» русумли, давлат рақами 01/741 НДА.  
**Бошлангич баҳоси — 16 046 000 сўм.**
- \* 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-431412К0713» русумли, давлат рақами 01/742 НДА.  
**Бошлангич баҳоси — 15 462 000 сўм.**
- \* 1990 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-130» русумли, давлат рақами 01/745 НДА.  
**Бошлангич баҳоси — 16 997 000 сўм.**
- \* 1977 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-5201» русумли, давлат рақами 01/816 НДА.  
**Бошлангич баҳоси — 8 576 000 сўм.**

**Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 24-уйда жойлашган, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши балансидаги куйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда:**

- \* 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-3102121» русумли, давлат рақами 01/829 КДА.  
**Бошлангич баҳоси — 9 847 900 сўм.**
- \* 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21150-120-20» русумли, давлат рақами 01/287 ТВА.  
**Бошлангич баҳоси — 11 007 400 сўм.**

**Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Дархон қишлоғида жойлашган, «Davlat beigi» ДИЧБ Тошкент қозғ фабрикаси балансидаги куйидаги ускуна ва жиҳозлар кўйилмоқда:**

- \* Ишлаб чиқариш қуввати 800 кг/соат бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «СН-4У» русумли аралаштиргич (смеситель).
- Бошлангич баҳоси — 2 568 122 сўм.**
- \* Ишлаб чиқариш қуввати 650 кг/соат бўлган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, «ОН-6П01» русумли қия тозалагич (очиститель наклонный).
- Бошлангич баҳоси — 2 963 703 сўм.**
- \* Ишлаб чиқариш қуввати 800 кг/соат бўлган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, «МГП-2У» русумли кичик габаритли пресс (пресс малогабаритный).
- Бошлангич баҳоси — 3 444 854 сўм.**
- \* 1993 ва 1999 йилларда ишлаб чиқарилган, «ЦП-7-40 № 5» русумли 2 та вентилятор.
- Ҳар бирининг бошлангич баҳоси — 1 801 800 сўмдан.**
- \* 1993 йилда ишлаб чиқарилган, қуввати 7,5 кВт бўлган, «ВЦП-6-45-5» русумли чанг хайдаш вентилятор (вентилятор пылевой).
- Бошлангич баҳоси — 1 761 539 сўм.**

\* 1993 ва 1999 йилларда ишлаб чиқарилган, қуввати 5,5 кВт бўлган, «ВЦП-6-45-5» русумли 3 та чанг хайдаш вентилятор (вентилятор пылевой).  
**Ҳар бирининг бошлангич баҳоси — 1 656 483 сўмдан.**

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукцион савдоси голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан кам бўлган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг автотранспорт воситалари бўйича савдо голибларига савдо ташкилотчисига тўланган коммиссион тўловни алоҳида қўлаб бериш мажбуриятлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари ҳамда ускуна ва жиҳозлар юқорида белгиланган савдо кунда сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситалари ҳамда ускуна ва жиҳозларга қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

**Аукцион савдолари соат 15.00 да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:**  
**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шохкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).**  
**Мурожаат учун телефон: (0-371) 233-23-40.**  
**Факс: (0-371) 233-23-40.**  
**Электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru**  
**Гувоҳнома № 005357.**

Шунингдек, «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ томонидан 2015 йил 31 декабрь куни ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси балансидаги, давлат рақами 01/981 ААА бўлган «Captiva 2» русумли автотранспорт воситаси 80 400 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

## «REALTOR GARANT BUSINESS» MCHJ

**бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.**

**2016 йил 18 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:**

- Тошкент вилояти, Чиноз тумани СИБ томонидан 2015 йил 6 апрелдаги 1-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, 1-микрорайон, Ёшлик кўчаси, 459,70 кв.м. ер майдонида жойлашган, 005-литердаги бостирма — автомобилларни ювиш шохобчаси ва 001, 002, 003-литерлардаги бино-иншоотлар.  
**Бошлангич баҳоси — 140 262 000 сўм.**
- Чиноз тумани СИБ томонидан 2014 йил 15 декабрдаги 1408/13131-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, Самарқанд кўчасида жойлашган, умумий майдони 1 828,99 кв.м.дан иборат, 2 қаватли тўйхона биноси, бостирма, 2 қаватли офис биноси ва ёрдамчи бинолар.  
**Бошлангич баҳоси — 1 125 000 000 сўм.**
- Чиноз тумани СИБ томонидан 2015 йил 29 июндаги 111509/4876-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Ёллама» ҚФЙ худуди, 0,5 гектар ер майдонида жойлашган, фойдаланиш майдони 54159 кв.м.дан иборат автомобилларга газ қуйиш шохобчасининг бино-иншоотлари.  
**Бошлангич баҳоси — 939 809 000 сўм.**
- Зангиота тумани СИБ томонидан 2014 йил 10 сентябрдаги 1-4676/14-сонли ижро варақасига биноан, 2015 йил 24 июль куни қўзғатилган 17036/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўқсарой» ҚФЙ, Келес кўчасидаги 1340 кв.м. ер майдонида жойлашган пахта чувиш цехи бино-иншоотлари.  
**Бошлангич баҳоси — 200 000 000 сўм.**

5. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 2015 йил 27 ноябрдаги 11422-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Сунбула кўчаси, 51/1-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 265,10 кв.м., фойдаланиш майдони 119,0 кв.м.дан иборат дўкон биноси.  
**Бошлангич баҳоси — 56 250 000 сўм.**

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилиари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кун қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universal bank» Тошкент шаҳар филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.**  
**Телефон: (0-371) 233-09-38.**  
**Ички телефон: 258.**  
**Хизматлар лицензияланган.**

## «NEW TRANS ALLIANCE» MCHJ

**бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.**

**2016 йил 18 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан куйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда:**

- \* 2015 йил 16 декабрдаги 21723-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, «Cobalt» русумли, двигатель рақами В15Д212142042ДЖХ0481, давлат рақами 10 D 808 LA.  
**Бошлангич баҳоси — 44 443 000 сўм.**
- \* 2015 йил 16 декабрдаги 21722-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, двигатель рақами 074681, давлат рақами 01 J 184 RA.  
**Бошлангич баҳоси — 18 949 000 сўм.**

Аукцион савдосига Зангиота тумани СИБ томонидан 2014 йил 10 сентябрдаги 1-4676/14-сонли ижро варақасига биноан, 2015 йил 24 декабрь куни қўзғатилган 27007/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, картон қозғ ишлаб чиқариш технологик линияси кўйилмоқда.

**Бошлангич баҳоси — 300 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

**Манзил: Тошкент ш., Юнусобод тумани, Дарвозакент 2-берк кўчаси, 16-уй.**  
**Телефон: (+99895) 504-99-85.**

## «NEW ESTATE ACTION» MCHJ

**бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Янгийўл тумани СИБ томонидан 2014 йил 1 октябрдаги 1-487/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, А. Ортиқов номидаги ҚФЙ, 8/153-сонли уйда жойлашган, умумий майдони 79,43 кв.м. бўлган дала-ховли такроран кўйилмоқда.

**Бошлангич баҳоси — 44 306 611 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 4 февраль куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига кўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилиари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

**Хизматлар лицензияланган.**

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси бўлим бошлиғи Шериммат Авазовга онаси **Бибисора АВАЗОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали жамоаси Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовини, профессор Тўлқин Қодирова онаси **Мадина БОЗОРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## ЖАХЖ 24 СОАТ ИЧИДА

«Volkswagen» (Германия) автоконцернининг Европа бозоридagi ҳиссаси кейинги тўққиз йилда биринчи марта қисқарди. Бу ҳақда «Евроњьюс» телеканали хабар тарқатди.

### Улуши қисқарди

Гап шундаки, ўтган йили қитъада сотилган автомобилларнинг 24,8 фоизи мазкур брендга тегишли бўлди. Бу 2014 йилдагига нисбатан 0,7 фоизга кам.

Умуман олганда, ушбу модель остидаги автомашиналар савдоси ҳисобот даврида 6,2 фоизга ўсган. Лекин унинг асосий рақобатчиларида бу кўрсаткич анча юқори. Масалан, Франциянинг «Renault» (9,5 фоиз), АКШнинг «Ford» (8,6 фоиз), Германиянинг «BMW» (12 фоиз) ва «Daimler» (17,7 фоиз) компаниялари яхши натижаларга эришган.



### Кўрсаткичлар пасаймоқда

Жаҳон бозорида нефть нархи кескин тушиб кетиши ва бошқа омиллар туфайли Нью-Йорк биржасидаги ишбилармонлик фаоллигининг асосий кўрсаткичи — «Dow Jones» индекси 2,39 фоизга камайиб кетган.

Айтилайки, Шимолий Американинг «WTI» маркали «қора олтин» қиймати 29,7 долларгача арзонлашди. Бу 2003 йилдан бери қайт этилган энг паст кўрсаткичдир.

### Қор ёғиши оқибати

Японияда кучли қор ёғиши оқибатида автотрассаларда тирбандлик ҳолатлари, йўл ҳаракати ҳодисалари, шунингдек, электр симларининг узилиши, поездларнинг кечикиши кузатилмоқда.



Ўз навбатида, 100 дан ортик маҳаллий авиарейслар бекор қилинди. 12 киши жараҳат олган. Метеорологлар ёғингарчилик давом этишини билдирган.

### Кемадаги ноҳушлик

Янги Зеландиянинг Факатане шаҳри соҳилларидан унча узоқ бўлмаган жойда йўловчи кемасида кучли ёғин келиб чиққан.

Полиция вакиллари айтишича, транспорт воситаси бортида 50 дан ортик одам бўлган. Кутқарувчиларнинг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари боис улар эвакуация қилинган. Ёнгин сабаблари ўрганилмоқда.

### Кумуш хазина

Чехиянинг Прага шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойда кумуш тангалар хазинаси топилиди. Уларнинг ҳар бири 0,5 граммга тенг, дейилади Пардубице шаҳри музейи маълумиятига.

Олимларнинг таъкидлашича, Х асрга тааллуқли мазкур тоғилма жуда ноёб ҳисобланади. Сабаби чақалар ўз шакли, оғирлиги, ранги ва сифатини тўлиқ сақлаб қолган.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**



Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида ўтган йили банк тизимини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш инвестициявий фаолиятини кенгайтириш таъминлангани алоҳида қайд этилди. Банк тизимининг жами капитали 2014 йилдагига нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етгани, сўнгги 5 йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробар ўсгани бунинг тасдиғидир.

Дарҳақиқат, ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти ривожда тижорат банкларининг ўрни ва ҳиссаси бекиёс. Негаки, истиқболли инвестициявий лойиҳаларни уларнинг молиявий кўмагисиз муваффақиятли амалга ошириш мушкул. Шу боис банкларни иқтисодиётнинг қон томирига менгашлади.

Юртимизда мазкур тизимни янада ислоҳ қилиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг бир қатор Фармон ҳамда қарорлари қабул қилиниб, уларнинг ижроси изчил таъминланмоқда. Пировардида молия муассасалари фаолияти барқарорлигига эришилапти. Ўз навбатида, хизмат кўрсатиш кўлами кенгайиб, сифати тобора яхшиланаётир. Мижозлар билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда. Буни "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда мамлакатимизнинг қай бир гўшагига борманг, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига гувоҳ бўласиз. Бундай эзгу ташаббуслар энг олис ҳамда чекка қишлоқларни ҳам бирдек қамраб олаётгани қувонарлидир. Зеро, истиқлол йилларида олиб борилаётган ислохотларнинг пировард мақсади инсон манфаатларига қаратилган. Бунинг амалий самараси эса юрдошларимиз ҳаёт даражаси йил сайин юксалиб бо-

раётганида кўзга яққол ташланади. Ана шу жараёнда "Ўзсаноатқурилишбанк" жамоаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

Маълумки, ушбу молия муассасаси қўлга киритаётган муваффақиятлар нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этиляпти. Чунончи, жаҳондаги энг нуфузли икки халқаро рейтинг компанияси — "Standard & Poor's" ва "Fitch Ratings", еттинчи йилдирки, "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятини барқарор, ишончли ҳамда истиқболли, деб баҳолади. Бунинг аҳамияти нечоғли катта эканлигини эса қуйидаги таҳлиллар орқали ҳам кўриш мумкин.

Этибор беринг, ушбу молиявий муассаса илк бор 2008 йилда халқаро рейтинг баҳосига сазовор бўлган эди. Ваҳолонки, айнан ўша йили дунёда молиявий-иқтисодий инқироз аломатлари сезилиб, банклар ниҳоятда мушкул аҳволда қола бошлаганини ҳисобга олсак, "Ўзсаноатқурилишбанк" мураккаб бир вазиятда ҳам ўсиш суръатларига эришиб, эндиликда жаҳон молия бозоридан муносиб ўрин эгаллашга интиляётгани диққатга сазовор. Албатта, бу Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва уни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасидир.

Айни пайтда "Ўзсаноатқурилишбанк" молия бозоридаги мавқеини янада ошириш, банк капитали, активлари ҳамда ресурслар базаси барқарорлигини таъминлаш, миҳозлар билан мунтазам мулоқотда бўлиш, уларга яқиндан кўмаклашиш каби устувор вазифаларни фаолият мезонига айлантирган. Бу эса, ўз навбатида, миҳозларга кўшимча қулайликлар туғдирмоқда. Натижада молия муассасаси кўмағида бизнесини йўлга қўйиб, ҳам оиласи, ҳам юртимиз раҳнамолиги муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бораёпти. Буни уларнинг қуйидаги дил сўзлари ҳам тасдиқлайди.



Ўзсаноатқурилишбанк

# ТЕЗКОР ХИЗМАТ, БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ

## аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда

Халқимизда "Юк кўтарган юзага чиқади", деган нақл бор. Бунинг ҳаётий тасдиғига кўп бор гувоҳ бўлдим. Негаки, ҳозир энг шимариб ишлайдиган, меҳнатимиз самараси тез юзага чиқадиган, омад ва ютуқлар навбатма-навбат эшик қоқиб келаётган мамлакатда, даврда яшаймиз. Биргина тадбиркорлар учун яратилган имтиёзу имкониятларни қаранг. Санаб адоғига етолмайсиз.

### Кичик бизнес салоҳияти

Бугун кичик бизнес катта кучга айланди. Айни шу соҳа кўмағида қанчадан-қанча одамлар, айниқса, ёшлар доимий иш ўрнига, даромадга эга бўлаётганини айтмайсизми?! Энг муҳими, ички бозоримиз, дўконларимиз пештахталари ўзимизда ишлаб чиқарилган импорт ўрнини босувчи юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлиб бормоқда. Соғлом рақобат муҳити эса нарх-наво барқарорлигини таъминляпти.

Бизнинг "Evo-Osiyo oltin moy" масъулияти чекланган жамиятимиз ширинликлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланаётганимиз туфайли ютуқларимиз салмоғи ортиб бораётир. Яқинда маҳсулотларимиз сифатини янада яхшилаш, таннархини арзонлаштириш мақсадида ишлаб чиқаришга замонавий илм-фан ютуқларини мутасаммавлантирган илгор технологик линияни жорий этдик. Бунда доимий ҳамкоримиз — "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Самарқанд вилояти минтақавий филиали томонидан ажратилган 200 минг АҚШ доллари миқдоридagi имтиёзли кредит қўл келди. Пировар-

дида ўнлаб маҳаллий ёшларни ишга қабул қилдик.

Ҳозир замонавий дастахтоҳ ҳамда ускуналаримиз бир маромда ишляпти. Шу сабабли тайёрлаётган маҳсулотларимиз ҳажми кўпайиб бормоқда. Дастлаб йилга 1,5-2 тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарган бўлсак, жорий йилда бу кўрсаткични икки баробар оширишни мақсад қилганмиз.

Баъзан ўйлаб қоламиз: "Бизга шу ҳам бўлавермади" қабилида иш тутганимизда нима бўларди? Табиийки, янгиликка интилмаган, изланишдан тўхтаган тадбиркор ҳеч бир натижага эришолмайди. Шукрки, истиқлол бизга қандай яшаш кераклигини ўргатди. Бугун қўлга киритган барча ютуғимизни мустақилликнинг тотли неъматлари, давлатимиз раҳбарининг соҳа раҳнамолиги қаратаётган юксак этибор ва ғамхўрлиги мевааси, деб биламиз. Шундай юртда яшаш эса катта бахт!

**Жасур ЗИЯЕВ,**  
«Evo-Osiyo oltin moy» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.  
Самарқанд вилояти

### Замон билан ҳамқадам

Бугунги ўзбек аёли — замон билан ҳамқадам. Илгор, ташаббускор ҳамда ишбилармон. Тадбиркорлик, фермерлик, хунармандчилик этагидан тугиб, рўзгорини бутлаётган, яқинлари, маҳалладошларини иш билан таъминлаётган, ўз меҳнати билан мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган хотин-қизларимиз сафи кенг. Мен ҳам ана шундай бахтли аёллар қаторида эканлигимдан фخرланаман.

Мана, тадбиркорлик фаолиятини бошлаганимга ҳам ўн йилдан ошибди. Ўтган даврда "Ўзсаноатқурилишбанк" билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиб, унинг доимий миҳозига айландик. Тикувчилик йўналишидаги бизнес лойиҳаларим рўёбда айни шу молия муассасаси кўмағи жуда асқатди. Масалан, бундан икки йил аввал банк томонидан ажратилган 80 миллион сўм миқдоридagi имтиёзли сармоя эвазига фаолиятимизни кенгайтиришга муваффақ бўлдик.

Ҳозир жамоамизда ўн беш нафар дизайнер, тўкувчи ва моҳир чевар жалланган. Улар томонидан тикилётган либослар, мактаб формалари, бош кийимлар жуда харидордир. Ҳар кун янги буюртмалар олаёямиз. Даромадимиз ҳам шунга яраша ошиб бормоқда.

Мухтасар айтганда, мустақиллик момоларимиз, оналаримизнинг бой меросини асраб-авайлаш, унинг янги-дан-янги намуналарини яратиш ва дунёга кўз-кўз қилиш имконини берди. Хунармандлар меҳнати қадр топди. Бу эса ҳар биримизни изланишга, юксак марралар сари интилишга чорлайди.

Шу маънода, юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсатга ўз ҳиссасини қўшаётган "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятдан миннатдоримиз. Келгусида мазкур молия муассасаси билан ҳамкорликни изчил давом эттириш ниятидамын.

**Нилуфар АҲМЕДОВА,**  
«Нилуфар Эвзоэс Файз» кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари.  
Қошқодарё вилояти

Ватанга дахлдорлик ҳисси ҳар биримизни фидойиликка, ташаббускорликка ундайди. Мамлакат ободлиги, турмуш фаровонлиги йўлида хизмат қилишга чорлайди. Ва бунинг натижасида қўлга киритилган ҳар бир ютуқда, оз бўлса-да, ҳиссамиз борлигидан чексиз гурур, фахр туямиз. Бу туйғу бизни янада юксак марралар сари илҳомлантириши, шубҳасиз.

Бугун жаҳонда юз бераётган турли воқеалар, қарама-қаршиликларни ойнаи жаҳон орқали кузата туриб, мамлакатимиздаги осуда ва фаровон ҳаётнинг қадр-қимматини янада теранроқ англаб етамиз. Ахир тинчлик — бебаҳо неъмат. Биргина шу омилнинг ўзбек ўтаётган кунимизга шукроналар айтиб, эртанги кунга комил ишонч билан яшашимизга асос бўлади.

Буни иқтисодчилар нуқтаи назари билан изоҳлашга уринайлик. Сир эмас, четдан кириб келаётган инвестиция юрт бойлиғига бойлик қўшуви манбадир. Хўш, дунёнинг тараққиётган бирор давлатида фаолият юритаётган нуфузли компания ёки сармоядор қандай муҳитда ишляши, қайси мамлакатга маблағ киритишни хоҳлайди?! Албатта, оёйишталик ҳукм сурган жойга. Қолаверса, қулай ишбилармонлик муҳити даромад олиш кафолатидир. Илгор инфратузилма, ободлик ҳамда фаровонлик эса улар-

### Имконият, имтиёз, интилиш

га замонавий қулайликларни тақдим этади. Шу жиҳатдан қараганда, бугун хоржилик инвесторлар айнан Ўзбекистонни танлашаётгани бежиз эмас. Зеро, Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олди. Бизнинг фармацевтика саноати

иختисослаштирилган "Uzgermed Pharm" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонамизга ҳам ана шундай омиллар ҳисобга олинган ҳолда асос солинган.

Ёдингизда бўлса керак, яқин-яқингача дори-дармонлар ҳақида гап кетса, аввало, хорижнинг дунёга танилган компания ва фирмалари ёрлиғи туширилган тиббиёт воситалари кўз олдимизга келарди. Эндиликда эса Маҳаллийлаштириш дастури доирасида рўёбга чиқарилаётган истиқболли лойиҳалар шарофати билан инсон саломатлиги учун зарур бўлган қўллаб турдаги сифатли маҳамлар ўзимизда тайёрланмоқда. Ўз навбатида, уларнинг маълум қисми чет давлатларга ҳам сотилиб, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти юксалиб бораёпти.

Бунда қўшма корхонамизнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Ўтган даврда мавжуд қувватларни техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш учун "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг қарийб 7 миллиард сўмлик имтиёзли кредитидан фойдаландик. Ажратилган сармоя ўзини тўлик оқлади. Бинобарин, 150 та иш ўрни яратилди. Айни пайтда ўнлаб турдаги дори воситаларини ишлаб чиқариб, нафақат ички бозорни таъминляпмиз, балки четга ҳам маҳсулот экспорт қилаёямиз.

Жорий йилда соф фойдамиз миқдорини янада кўпайтириш, рақобатдош маҳсулотлар билан бозордаги мавқеимизни мустаҳкамлаш ва янги иш ўринлари яратишни мақсад қилганмиз. Бунда яна яқин ҳамкоримиз — "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг молиявий кўмағида суянмоқчимиз.

**Абдурахмон НАЗАРОВ,**  
«Uzgermed Pharm»  
Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси раҳбари.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

### Салмоқли ютуқларимиз кўп

Дунёнинг қатор давлатларида глобал молиявий-иқтисодий инқироз асоратлари кузатилаётган бир шaroитда юртимизда қўллаб соҳаларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилаётгани қувонарлидир.

Масалан, Ер юзидagi са-ноқли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ялли ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 11 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келаётгани, жорий йилда ҳам ана шундай юксак ўсиш суръатлари кўзда тути-лаётгани Ўзбекистоннинг

барқарор ривожланиб бора-ётганини яққол тасдиқлайди. Буларнинг барчаси, албатта, Юртбошимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир. Яна бир эътиборга мо-лик жиҳат. Ўтган даврда юртимизда давлат тузилма-ларининг тадбиркорлик

фаолиятига аралашувини чеклаш, уларнинг хом ашё ресурсларини харид қили-ши ва ўз маҳсулотларини сотиши учун бозорларга қиш имкониятларини кен-гайтириш, молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари бериш каби жуда қўллаб қулайликлар жорий этилди. Бундай имкониятлардан озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисос-лаштирилган корхонамиз ҳам унумли фойдаланиб, муваффақиятга эришмоқда. Бунда "Ўзсаноатқурилиш-

банк" Хоразм минтақавий филиалининг муносиб ҳис-саси бор. Жумладан, ўтган йили ишлаб чиқаришни мо-дернизациялаш, техник ва технологик янгилаш мақса-дида мазкур молия муасса-саси филиалидан 130 мил-лион сўм миқдоридa имти-ёзли сармоя олган эдик. Бунинг самараси ўларок, ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 3 баробар ошиб, кунига 2000 донагача нон ва нон маҳсулотлари тай-ёрлаш йўлга қўйилди.

**Эркин ҚОДИРОВ,**  
«Хоразмқоғалтиққурилиш» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

Фурқат САНАЕВ тайёрлади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 152 834 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълоқна (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.  
Навбатчи — Д. Содиқов.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.10

Тошпирилди — 23.30

1 2 3 4 5 6